

Protected by PDF Anti-Copy Free

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХОРАЗМ ВИЛОЯТ СУДИ
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ

А Ж Р И М И

2020 йил март ойининг 15 кунини кўриб чиқариш ҳақидаги жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди кассация инстанцияси с... айъати ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи раис ўринбосари У.Бакдурдиев, ҳайъат судьялари М.Самандаров ва М.Махмудовлардан иборат таркибда, И.Худайбергановнинг котиблигида, тарафлардан Хоразм вилоят прокуратураси бўлим прокурори У.Раджапов, адвокат З.Юсуповнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 2019 йил 15 апрелдаги ажримига кўра,

Вапаева Ирода Садуллаевна (Vapaeva Iroda Sadullaevna), 1981 йил 27 февраль куни Урганч шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзанди бор, ишсиз, 2018 йил 10 январь куни жиноят ишлар бўйича Урганч шаҳар судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28 ва 209-моддаси 1-қисми, 211-моддаси 1-қисми ва 223-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 28 ва 209-моддаси 1-қисми билан 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси, 211-моддаси 1-қисми билан 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси, 223-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил 2 йил 2 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, Урганч шаҳар, “Саккокий” кўчаси, 12А-уйда яшаб келганга

нисбатан чиқарилган ажрими устидан маҳкума И.Вапаева томонидан келтирилган кассация шикоятига асосан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ажримига кўра, И.Вапаевага тайинланган 2 йил 2 ой озодликни чеклаш жазосининг ўталмаган 1 йил 2 ой 23 куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгиланиб, қидирув эълон қилинган.

Урганч шаҳар ИИО ФМБ маҳкума И.Вапаева бўйича судга тақдимнома билан мурожаат қилиб, маҳкума И.Вапаева 2018 йил 10 январь куни жиноят ишлар бўйича Урганч шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28 ва 209-моддаси 1-қисми, 211-моддаси 1-қисми, 223-моддаси 2-қисми “в” банди билан судланиб, ЖКнинг 57,59-моддалари тартибида узил-кесил 2 йил 2 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланганлигини,

2018 йил 27 январь куни Урганч шаҳар ИИО Пробация гуруҳи ҳисобига олинганлигини ва шу кундан ижрога қаратилиб суд томонидан белгилаб берилган чекланишларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси (Ушундан кўра кўрсатилган оқибатлар юзига) оғоҳлантирилганлигини, лекин суд томонидан юклатилган таъқиқлар (чекловлар)га риоя қилмай қанлигини, ЖКнинг 48¹-моддасига асосан жазонинг ўталмаган қисмини суддан маҳрум қилиш жазосига алмаштириш сўралган.

Суднинг ажримдан норози бўлиб маҳкума И.Вапаева кассация шикоятда, суд томонидан белгиланган чеклаш талабларини бузмаганлигини, оилавий ахволини, вояга етмаган фарзандлари ва нафақахўр онаси борлигини инobatга олиб, тайинланган жазони озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога алмаштиришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят суди судьяси У.Бакдурдиевнинг маърузасини, прокурор У.Раджаповнинг суд ажримини ўзгаришсиз, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш, адвокат З.Юсуповнинг шикоятни қувватлаш ҳақидаги музокорасини эшитиб, кассация шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, кассация шикоятини қаноатлантирмасдан, суд ажримини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Чунки, тақдимнома юзасидан тўпланган ҳужжатлар ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, маҳкума И.Вапаевага нисбатан сутканинг соат 22:00дан эрталабки соат 6:00гача бўлган даврда доимий яшаш жойи, яъни Урганч шаҳри, “Саккокий” кўчаси, 12А-уйдан чиқмаслик, оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик, Урганч шаҳар ИИБ жазоларни ижро этиш инспекциясининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик мажбуриятлари юклатилган бўлсада, 2018 йил 20 август куни Урганч шаҳри бўйича ИИО ФМБ 3-сон ХПБ ТП профилактика инспектори Д.Эшчанов томонидан маҳкума И.Вапаеванинг яшаш жойига борилганида, И.Вапаева суд ҳукмида белгиланган таъқиқларга риоя этмасдан Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрига тўйга кетганлиги ва уйда йўқлиги аниқланиб далолатнома расмийлаштирилган.

Бундан ташқари, 2019 йил 12 январь, 18 январь, 27 январь, 1 февраль кунлари Урганч шаҳар ИИО Пробация бўлими катта инспектори И.Сатимов томонидан маҳкума И.Вапаеванинг яшаш уйига борилиб, маҳкуманинг чекловларга риоя қилаётганлиги текширилганида И.Вапаева Россия Федерациясига кетганлиги ва уйда йўқлиги аниқланиб далолатнома расмийлаштирилган.

Дастлабки суриштирувда гувоҳ Д.Вапаева, И.Вапаева кизи бўлишини, кизи 2019 йил 4 январь куни ишлаш мақсадида Россия давлатига чиқиб кетганлигини, унинг билан телефон орқали суҳбатлашиб турганлигини айтиб кўрсатув берган (и.в. 21).

Гувоҳ М.Машарипова ҳам шу мазмунда кўрсатув берган (и.в. 22).

Маҳкума И.Вапаева кассация тартибида келтирган шикоятда қонун талабини бузганлигини тан олиб, Урганч шаҳар ИИБга хабар бермасдан Россия давлатига кетиб қолганлигини билдирган.

Маҳкума И.Вапаева томонидан содир этилган жиноят, яъни ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми “в” банди, ёки жиноятлар туркумига кириб, ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандида, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш маҳкум шартли қолиб қалаётганини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган бўлса қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд томонидан маҳкума И.Вапаевага 2 йил 2 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган бўлиб, 1 йил 2 ой 23 кунини ўтамаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасида агар шахс суд томонидан тайинланган озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштирилиши назарда тутилган.

Суд томонидан маҳкума И.Вапаеванинг ўталмаган 1 йил 2 ой 23 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилиб, адолатли ва қонуний хулосага келинган.

Шунингдек, кассация судлов ҳайъати жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди томонидан 2020 йил 9 январь куни ЖПКнинг 541-моддасига асосан қўшимча ажрим чиқарилиб, И.Вапаева деб исми шарифига аниқлик киритилганлигини инобатга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 506, 509-моддаларига асосланиб, кассация судлов ҳайъати,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 2019 йил 15 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси билан маҳкума Вапаева Ирода Садуллаевна (Vapaeva Iroda Sadullaevna)га оид иш бўйича чиқарган ажрими ўзгаришсиз, келтирилган кассация шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик этувчи:

У.Бакдурдиев

Ҳайъат судьялари:

М.Самандаров

М.Махмудов